

Непал пойтахти Катманду шаҳрида Қуръон мусобақаси ўтказилади



14:15 / 06.12.2024 1317

Шу йил 21-22 декабрь кунлари Непал пойтахти Катманду шаҳрида Қуръони Каримни ёддан ўқиб бериш бўйича II мусобақа бўлиб ўтади. Саудия Арабистони Ислом ишлари, даъват ва иршод вазирлиги ташкил этаган мазкур тадбир Саудия Арабистонининг Қуръон таълимотини бутун дунё бўйлаб ёш мусулмонлар ўртасида тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари доирасида ўтказилади. Бу ҳақда ArabNews нашри хабар берди.

Саудия Арабистони Матбуот агентлигининг хабар беришича, саралаш босқичида Непалнинг турли вилоятлари ва мамлакатдаги Қуръони Каримни ёдлатиш мактабларидан 400 дан ортиқ иштирокчи қатнашади.

Танлов ғолибларининг тақдирлаш маросими 23 декабрь куни бўлиб ўтади.